

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ва ЕР КАДАСТРИ факультети

ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ кафедраси

Мавзу: Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш тартиби

ТОШКЕНТ-2017й.


Картография-геодезия давлат кадастрини юритиши қуидагилардан иборат бўлади:

Картография-геодезия давлат кадастри объектларининг микдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш;

- ❖ геодезия, топография ва картография ишлари материалларини тизимлаштириш, кадастр ахборотларини саклаш ва янгилаш;
- ❖ рўйхатга олиш ва иқтисодий баҳолаш, реестр дафтарларини юритиш;
- ❖ кадастр ахборотларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор фойдаланувчиларга бериш.



Геодезия, топография ва картография ишлари материалларининг рўйхати уларнинг микдор ва сифат тавсифларини ҳамда иқтисодий баҳосини ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади.



Картография-геодезия давлат кадастри объектларининг барча турлари бошланғич рўйхатга киритилади, уларни яратиш учун биринчи марта геодезия, топография ва картография ишлари амалга оширилади, шунингдек илгари яратилган объектлар тўғрисидаги янгиланган маълумотлар ёзилади. Бунда шунингдек илгари йўқолган ва қайта тикланган геодезия белgilари ва реперлари, ишларнинг бажарувчилари тўғрисидаги маълумотлар, уларни бажариш муддатлари ва қиймати ҳам ёзилади. Рўйхат натижалари бўйича ҳар қайси объект учун паспорт тузилади.

Картография-геодезия давлат кадастри объектларини ҳисобга олиш хариталар номенклатураси бўйича, давлат геодезия тармоқлари класслари ва турлари бўйича, шу жумладан маъмурий-ҳудудий бўлиниш бўйича ҳамда ахоли пунктлари бўйича алоҳида амалга оширилади.

Картография-геодезия давлат кадастри объектларининг микдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун Давлат геодезия назорати инспекцияси кадастр ахборотларини тақдим этишнинг техник параметрлари ва форматларини ишлаб чиқади.

Хужжатли расмийлаштирилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисобга олиш ахборотлари реестр дафтарига ёзилади ва Картография-геодезия давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборотлар тизимиға киритилади.

Картография-геодезия давлат кадастри объектларини иқтисодий баҳолаш геодезия, топография ва картография ишларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Картография-геодезия давлат кадастри объектлари тўғрисидаги кадастр ахборотларининг ишончлилиги учун Давлат геодезия назорати инспекцияси нинг Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш зиммасига юкланган раҳбари жавоб беради.

